

**ЖУМҲУРИЯТИМИЗДА**

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан пахта, пилла, чорвачилик маҳсулотларининг харид ва пахта толасининг улгуржи нархлари ошириди. Жуладан, ингичка толали пахтанинг давлат харид нархлари биринчи навбати учун ҳар бир тоннага 10180 сўмдан 12390 сўмга, ўртача толалиларники эса 6990 сўмдан 9820 сўмга, пилланинг сара неви 1 килограммига 48 сўм, биринчи навбага 45 сўм қилиб белгилади. 1992 йилнинг 1 апрелидан қорамол, чўча, қўй ва эчкиларнинг, парранда, сўт ва туқунининг харид нархлари ҳам ўрта ҳисобда 1,6 баравар оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан Хайрулла Жўраев Ўзбекистон Республикаси Давлат кинокомпаниясининг раиси этиб тайинланди.

Қоржақлогистоннинг Тўрткўл шаҳри яқинида Туркиянинг «Изаекс» корпорацияси билан ҳамкорликда барпо этилаётган тўқминачилик мажмуи бизнесга пойдевор қўйилди.

Американинг «Стен» корпорацияси «Итерпрет» компанияси Наманганнинг Мингбулок қондида отилиб чиқадиган нефть фавворисини 30 кунда яловлаш имконини берадиган ўз технологиясини жорий этишни таклиф қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши раисининг ўринбосари Б. И. Бугров АҚШ Давлат департаментининг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ишлари бўйича бўлими бошлиғи Ларри Неппер, АҚШ Давлат котиби ўринбосарининг маъмурий масалалар бўйича ёрдамчиси Стюарт Студи ва АҚШнинг Ўзбекистон Республикасидаги муваққат ишлар вакили Майкл Мажерни улар илтимосига қўра қабул қилди.

**ҲАМДУСТЛИҚДА**

Арманистон Олий Кенгаши миллий пул бирлигини муомалага киритиш тўғрисида қарор қабул қилди. У «арман» (пул) деб аталади дегани бўлди. Унинг юздан бир қисми ҳисобланган танга эса «лума» (улуш) дейилади. Пул бирлигини муомалага киритишни республика ҳукумати белгилайди.

Қримда мустақиллик тўғрисида референдумни ўтказишни қўллаб-қувватлаш учун бу ярим орол аҳолисидан 200 минг кишининг имзоси тўпланди. Референдум ўтказиш тўғрисидаги қонуни мувофиқ уни ўтказишга 180 минг кишининг имзоси тўпланди.

Грузиянинг Зугдиди шаҳрида ҳокимиятдан четлаштирилган Зинаид Гамсахурдиянинг тарафдорлари Республиканинг ҳозирги раёбарининг қўллаб-қувватлаётганларга қарши курашни авж олдирмоқдалар. Утган кун бу шаҳарда янги ҳокимият томонидан курашган бир фуқаро қатл этилди.

**ХОРИЖДА**

Франция ҳукумати Жан Поль Везинни Франциянинг Ўзбекистон республикасидаги элчиси қилиб тайинлади.

Халқаро банк комитети собиқ СССР ташқи қарзининг бир қисми тўлов муддатини яна уч ойга кенгайтди. Бу қарз миқдори 3,2 миллиард доллари ташкил этилди. Ана шу қарз 1991 йил декабрида тўланиши керак эди. Сўнг бу муддат шу йил биринчи чораги охирига кўчирилган эди.

Украина Президенти Леонид Кравчукнинг Ҳиндистонга расмий ташрифи бошланди. Бу сафардан икки мамлакат ўртасида бевосита алоқалар ўрнатилмақда қўзда тутилмоқда.

Ҳиндистон Ернинг учинчи йўлдошини космосга олиб чиқишга мўлжалланган учирувчи ракета яратишга киришди. Унга 8 миллиард рупий маблағ ажратилган. Янги ракетадан 1995 йилда учирши мўлжалланяпти.

**ЁРДАМ КЎРСАТИШДИ**

НОГИРОНЛАРНИНГ кўн-Юрим Ой жамаияти ҳамда лия қўтариш, уларга пойтахт меҳр-шафқат на ёрдам қўлини чўзиш жуда озмиқатлиқ жамағармалари савоб ишлардан ҳисобланади. Қуни неча Тошкент шаҳар иктимий таъминот бошқармаси қўшилган но-гиронлар ҳунар-техника билим юртига шаҳар Қўшил Даврон - НУРМАТОВ.

**УЧ ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИК**

ЕШЛАРНИ меҳнатга ўр-сўм сарфланди. 22 та синф тишда кечки ишчи-ёшлар мактаби, ўрта хунар-техника билим юртиларнинг аҳолията катта. Бу борда Киров райо-нидаги 1-ишчи-ёшлар мактаби, 22-ўрта хунар-техника билим юрти, «Юлдаш» тивуичилик ишлаб чиқариш билим юртига ўртасида ҳамкорлик уч томон-га ҳам фойдали бўлмоқда. 1-ишчи-ёшлар мактабининг қизлари чеварлик касбининг эгаллаб олишлари учун ҳам-ма шариотлар яратилган. Бу мактабин ортиқча олган бир-лашма синф хоналарини, фан кабинетларини техника воси-талари, ўқув қуроллари билан тўлиқ таъминлаб келмоқда. Бирлашма ўтган йил 22-хунар-техника билим юртига уч қаватли бино қуриб бер-ди. Қурилишга 3 миллион Сўмдан олган. 2 та устакхона янги замонавий машиналар билан таъминланди. Билим юрти ҳар йили 300-350 нафар че-варини бирлашмага етказиб келмоқда. Билим юрти торта-балери назарий, амалий қў-ниқма олишлари билан бирга ҳар йили 60-70 минг сўмлик то-вар маҳсулотни ишлаб чи-қармоқдалар. Билим юртини, 1-ёшлар кечки мактабининг битирган со-биқ талабалардан жуда кўп-чилиги илгор чеварлар қў-тордан ўрин олган. Бундай ҳамкорлик учва-ла томонини — ўқувчи, ишчи, талаба билан тўлдириб бо-ришга кўл келмоқда, — дей-ди билим юрти директори Мирҳўш Юнусов. Саъдулла СУЛТОНОВ.

**СОАТ МИЛЛАРИНИ СУРМАЙМИЗ**

РОССИЯ давлат стандарти 29 марта ўтар кечаси Россияда ёзи соат жорий этилишини эълон қилди. Шу муносабат билан эълон қилинган: россияликлар 19 январь куни соат миллирларини бир соат олдинга суриб «денрет вақтин» деб атаган вақтга ўтган эдилар.

Республика давлат стандарт бошқармаси Ўзбекистонда ёзи вақтга ўтиш мақсадага мувофиқ эмас, деб ҳисобламоқда. Ўзбекистоннинг бутун ҳудуди бошинчи соат минтақасида жойлашган, шу сабабли вақт ҳисобини минтақа вақтида қолдириш қўлайроқ.

Биофарин, биз соат миллирларини сурмаймиз. Москва билан Ўзбекистон ўртасида вақт тафовитига келганда, 29 мартдан бошлаб орадаги фарқ бир соат бўлади. Шу кун собиқ Иттифок пойтахтига йўлга чиқадиган, зимаат ваифафари ва шахсий ишлари юзасидан бу шаҳар билан боғланганда ки-шилар шу ҳолатни эътиборга олишлари кераклигини ана бир марта эълониб қўймоқчимиз.

**ОШКОРА МУЛОҚОТ**

1992 йил 29 март, яшанба кун соат 14.55 да республика телевиденисининг 1 программаси орқали «Ҳамшаҳарлар» кўрсатувининг иловаси бўлган «Менинг маҳаллам» кўрсатуви берилди.

Бевосита мулоқотда Мовароуннаҳр мусулмонлар диний бошқармаси раёбатининг раиси, муфтий Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари иштирок этидилар. Кўрсатув миллий қадриятларимиз, миллий маросим, бай-рам, аъёнларимизга, ахлоқ-одоб, маънавиятга бағишлана-ди. Бугундан эътиборан ва кўрсатув вақтида 41-01-62, 41-92-40, 41-92-76 телефон рақамлари орқали студияга саволлар билан мувожабат қилишнинг мумкин.

**\* Эртала Ўзбекистон деҳқончилик саноати мажмуи ходимларининг қурултоғи очилади**

**СИЗГА ТАЪЗИМ, МАЪМУРЧИЛИК БУЊЁДКОРЛАРИ!**

ЭРТАГА Халқлар Дўстлиги саройида Ўзбекистон агроноат мажмуи ходимларининг қурултоғи очилади. Шу муносабат билан мухбирларимиз турли касб

агаларига мувожаат этиб, ушбу анжуман қандай кутиб олинаётгани ҳақида улардан ўз фикрларини ўртоқлаштириш илти-мос қилишимиз.

**Убайдулло ТОШПҲАТОВ,**  
Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси:

— Бирлашмаида ишлаб чиқарилаётган пахта териш машиналарининг ҳаётига йўллан-ма олишда ўз ҳиссам борлигидан фахрлан-ман. Чунки пахта эндиликда муस्ताқил рес-публикамизнинг ҳақиқий бойлиғи. Заҳматнаш деҳқонларимизга уни ноқуд қилмасдан ўз вақтида йиғиб-териб олишда бизнинг «анго-ри кема»ларимиз асқотатгани бирлашмаииз аҳли учун ўта шарафлидир.

Ўтган йили корхонамиз 6 мингга яқин пахта териш машиналарини дала меҳнатқо-шларига жўнатди. Бу йил ҳам бир туркум те-х-

**Абдували ИМОМАЛИЕВ,**  
Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги Фанлари академиясининг президенти, қурултоғ делегати:

— Бундай қурултоғни ўтказиш кўп йил-лардан бери анъанага айланб бормоқда. Бу анжуманда деҳқончилик саноатининг илгор мутахассислари йиғилиши қилинган иш на-тижалари, келажак режалари ҳақида масла-хатлашиб олинади.

Тўғри, мустақилликка эришганимиздан кейин талайгина ишлар амалга оширилмоқда. Бозор иқтисодиёти туйғайли ишлаб чиқариш-да дуч келинган етишмовчиликлар қишлоқ хўжалигини ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Ду-қонлардаги нарх-навоининг кўтарилиши деҳқон бозорларида ҳам катта таъсир этаётир.

Аслида эса деҳқоннинг ҳам, фан арбоби-нинг ҳам мақсади битта. Ўзини дастурхон-миз тўқин, халқимиза гинч-фаровон бўлиши деймиш. Шунинг учун ҳам бугунги кунда деҳқончиликда ишлаб чиқариш машина-ме-ханализмлар, кимёвий модда ва ёқилғилар қим-матлашиб кетганлиги ҳаммамизни ташвишга

**Сидиқжон МУҲАММАДИЙОНОВ,**  
Тошкент районидagi Муҳаммадjon Фозилов номида жамоа хўжалиги раиси:

— Шаҳримиз бозорларини қишлоқ хўжа-лик маҳсулотлариса тасаввур этиш қийин. Ноз-неъматлардан, «ошқўқлардан ҳамма баҳ-раманд бўлиш учун ташкилий ишларни олиб бормоқдамиз. Энг аввало шаҳар бозор-ларида махсус дўконлар очишга жазми этидик. Бундан ташқари савдо шохобчалари билан шартномалар тузиб, етилган маҳсулотни узлусиз етказиб беришга ҳаракат қилишимиз. Бу маҳсулотлар Юнусовобода, Олой, Эски жўва ва Фарход бозорларида сотилаётир.

**Шуҳрат РАСУЛОВ,**  
Муқимий номидagi ўзбек давлат мусикали театр директори:

— Бир қараганда гўё қишлоқ хўжалиги соҳаси биз санъат илосомандларига тааллуқ-ли эмасдай туюлади. Лекин қундалиқ эҳтиёж учун у ҳар биримизга нақадар зарурлигини ўйлаб бу фикр нотўғрилигини юракдан ҳис этиамиз. Шу ниятда театримиз хўжалиқлар билан алоқани муостақамлаш ваифасини ўз олдида қўлган. Қолаверса, санъаткорларимиз анчадан бери деҳқонларнинг ишдан кейин ма-роқиди дала олишлари учун ўзининг улшларини қўшиб келишмоқда. Масалан, театр труппа-миз яқинда Бенобод шаҳрида бир неча марта бўлиб деҳқонларга катта концерт ва спектакллар қўйиб беришди. Шу йилнинг ўзида республика ҳамда шаҳар атрофида жойлашган бир неча хўжалиқларда бўлиди. Дала меҳнатқошлари билан юзма-юз учраш-

**ТОШКЕНТЛИКЛАР ДАСТУРХОНИГА**

ЭРТАГА бўладиган қурултоғда одатдагидек қишлоқ хўжалик ходимлари, савдо-тайёрлов ташкилотларининг ва республикамиз турли вилоятларидаги қайта ишлаш корхоналарининг вакиллари бир-бирлари билан қизгин баҳс ва мунозаралар қиладилар. муаммоларини ечиш йўллари ҳақида фикр ва мулоҳазалар билдирадилар. Лекин бу амалий учрашувнинг ўзига хос томонлари ҳам бўлади. Тошкент шаҳар мева-савзаот саноати бирлаш-масининг раиси С. М. ШАХОБОВ билан бўлган суҳ-бат пайтида у дийдаги сўзларни айтиди.

— Қурултоғда қўшни ва муस्ताқил давлатларнинг ва-киллари ҳам иштирок эти-шади, — деди у. — Унда бўлгуси ҳосил тақдирини тў-ғрисидаги масала бош маса-ла бўлиб қолади. Бундан ташқари аҳолини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш, ички бозорини муостақамлаш ва уни мўл-қўл маҳсулотлар билан таъминлаш тўғрисидаги ма-салалар ҳақида ҳам сўз боради.

— Хўш, айтингчи, пой-тахт мева-савзаот саноати ходимлари ана шу қурул-тоғда қандай масалаларни дидларига жо қилган ҳол-да боришмоқда?

— Бу саволинигиз чиндан ҳам ўринлидир. Бинобарин, ҳамшаҳарларимизнинг та-лаб ва эҳтиёжларини қон-дириш мўҳим ва энг дол-зарб масалалар. Бинобарин,



СУРАТДА: қурултоғ қатнашчиларидан бир гуруҳи.

**ШИФОБАХШ НЕЪМАТЛАР**

ТОШКЕНТ шаҳридан шундай қўл узатса етилган бир ажойиб масала бор. Бу — Халфа йўли ёнасида-ги жаҳонга довртур таратган Зайниддин ҳожи ота Фах-ридиннов тамал тошини қўй-ган махшўр лимонзорларидир. «Лимонарий» хўжалигида етиштирилаётган ажойиб неъматлар тошкент-

лиларда дастурхонини ҳам беаомоқда. Бундай шифобахш неъматларини етказиб бериш юзасидан хорижий шерик-ларисин билан ҳам ҳамкор-лик қилиш режалари тузил-пти, — деди «Лимонарий» хўжалигини раҳбари Ёшимидин Фахридиннов. — Яқинда жа-моамиз Голландия ва Шве-ция билан шифобахш неъмат

**\* Шаҳар хўжалиги мавзусида ҚАРАСАНГ БОҒ...**

боғ яратиш оммавий тус ол-ган. Шу саволини иш туйғайли кўчалар турли тош, темир-опдлардан тозалан-ди, уларнинг чиройли-чироси янги меҳнат билан шуғулла-ниб туршига кенг йўл очил-ди.

Айниқса даҳанинг жар бўйи участкасида иборати ишлар олиб борилади. Кўп қаватли уйларида ишчилар томонидан ахлатқонларга тозалан-ди, ўқир-қўйиларга тупроқ тў-қилиб, даррақ кўчатлари эки-ди.

Самарқанд дарвоза кўчаси билан Янги Ўзбекистон кўча-си бурчагида жойлашган 9 қаватли уйда ишчилар 9 шир-ридан. Ерлик аҳоли мевали даррақларини меҳр билан пар-



Тошкент тажриба-меҳаника экскаватор ремоти ав-водида ўз қабзининг усталари бўлган ишчилар қўллаб-тошпади. Улардан бири Янғувчи-чилангар А. Аймаханов-дир. Корхона 1-деханинг тажрибали мутахассиси бўлган бу ишчи ҳаммаша сифатли маҳсулот ишлаб чиқариши билан ўз ҳамкасбларига ибрат бўлмоқда. СУРАТДА: А. Аймаханов иш устида. Андрей Пилипенко суратлари.



### Ибратли ҳикоятлар ХУРМАТ КЎРАСАН

КУНЛАРНИНГ бирида бир оқил, ёш эр бевақт оламдан ўтибди-ю, андишали аёл қаттиқ қайғуланиб, уч ўғил зор қишди қилибди. Шу сабаб тўқис ақлу ҳалол меҳнатда кўза кўринган ёр қутилмаган совчиларга: «Аёл ифрати — хурмат» деганлар. Мен ўз қора кўз болажонларини ўқитмайман! — дебди-да, бебаҳо поклик, меҳр-оқибат қўчасига кириб, кўп йил машаққат чекибди. Шу орада марҳум эр руҳи шод бўлибди шекилли, майин шамол унинг секин-аста оқарган узун сочи, ёқимли юз-кўзларини қайта-қайта силаб-сипаб ўтибди. Аёл она меҳр-муҳаббатига муҳтож бўлмаган ширин-шакар болажонлар эса сог-омон ўсиб, турли касб-хунар эгаллаб, бир-бирдан сулув, ўқим қиларга уйланибдилар. Ўз жондан азиз онажонларига мулоимлик билан: «Нима ейсиз, нима ичасиз, қандай янги кийимлар киясиз, семимли онажон?» — дейдиган эси-хуши бутун, сахий азаматлар бўлиб етишибдилар.

Шундай қилиб, «Хурмат — битмас бойлик», «Хурмат қилсанг, хурмат кўрасан» деганларидек, сабр-тоқатли, садоқатли, заҳматнаш она бир умр ўз меҳрибон фарзандлари чин иззат-хурматига сазовор бўлган экан.

### МЕҲНАТИНГ—ДАВЛАТИНГ

БИР эрқа ўғил ўз меҳрибон отасининг: «Меҳнат, меҳнатнинг таги — роҳат», «Меҳнат қилсанг яшарсан, ната-қатта охарсан», — деган гапларига эътибор бермай, теккин кийиб, теккин еб-ичиб, бўйинни кўзадек қилиб юра берибди. Шу орада ҳикматли гапларни тез-тез эслабди турадиган жонқуяр ота кўни битиб: «Чексанг заҳмат, ёғар роҳат», — деб дундан ўтибди. Аччиқ кўз ёш тўққан эрқа ўғил оғир айрилиқдан кейин баттар изғиб, охири беҳуда дайидилдан беэно, аста уйқўта кетибди ва уйқўда ўз ота-онасидан: «Мен ўзимни ўзим ҳалол этиб, ёнингизга борсам майлими, шафқатли онажон ва отажон?» — деб сўрабди.

Шу он азиз ота-она кўзига аниқ кўрингандек туюлиб, ғойибодан: «Йў, сен ота-онам гўрда тинч ётсин десанг, қолган умрингни қўлдан бой бермай, «Ҳалол меҳнат — хузуур-ҳаловат» деганларидек, ҳалол меҳнатга меҳр қўйиб, пок дил қизга уйланиб, нажми-нажми ўғил-қизга ота бўл, азамат!» — деган овоз эшитилди.

У уйдунан чўчиб ўйиниб: «Хўп бўлади!» — дея ўр-нидан сараб турибди. Қараса, ҳамма ерда: «Меҳнат қил топангини — қанду асал тогтангини», — деб жон-дилдан ҳалол меҳнат қилаётган кишиларнинг ошини олчи, юзи ёруғ, иззат-хурмати баланд, егани олдида, емагани кетдида эмич.

Нихоят, бекор юриб шох чўчмаган эрқа ўғил меҳнат-севар одамлардан ўркан олиб, роҳатбахш меҳнатга астойдил берилибди. Биноидек уста деҳқон, чевар қизга содиқ ёр, ёқимтой ўғил-қизга ғамхўр ота бўлиб, ўзига ўзи: «Хазина ғойибодан эмас, меҳнатдан» экан деб хурсанд бўлибди.

Ваҳром МУСЛИМОВ.

### УДАБУРОН ЙИГИТ

ҚАДИМ замонларда ўтган бир подшо ҳукм чиқаришда гуноҳкор ва гуноҳсизларни чек ташлаш йўли билан аниқлар экан. Гуноҳкор деб топилган одами подшо ўз олдида заҳириб, бир кутини кўратар, унинг ичида никита қозғалди бирга «Ўлим», иккинчисига эса «Овозлик» деган сўзлар ёзилган бўлар экан. Гуноҳкор қай даражада бўлишдан қатъи назар шу қозғалардан бит-ситини олар ва унга ёзилган ҳукм яқро этилар экан. «Овозлик» деган қозғани олса, овоз бўлар, «Ўлим» деган қозғани олса, ўлимга ҳукм қилинар экан.

Кунлардан бир кун ҳасадгўйлардан бир нечтаси тўла-ноби, бир удабурон йигитни тўхтат билан подшога гуноҳкор қилиб кўрсатишди. У йигитнинг душмалари кутинида никала қозғога ҳам «Ўлим» деган сўзни ёзиб, солиб қўйган эканлар. Бу сир-асрдан йигитнинг дўстлари хабардор бўлиб қолдишлар ва уни бундан огоҳлантиришди.

Подшо одати бўйича гуноҳдорни чақириб, қутинида қозғалардан бирини олишни буюрибди. Йигит эса қозғалардан бирини қўлга олибди-да, котиб юборибди. Подшо кутини очиб қараса, унда «Ўлим» деган ҳукми қозғо қолган экан. Демай, йигит жотган қозғода «Овозлик» ҳукми бўлган деб гуноҳсиз йигитни овоз қилиб юборибди. Ҳасадгўйлар эса бир умрга бадном бўлишди.

Абдуқадир ШУКУРОВ.



«Ташқоршайб» корхонасининг меҳнат фахрийси, илгор ишчи Шонра Тўраевни барча хурмат билан эъзозлайди. Чунки у тмуҳитлигининг энг нозик сирларини йилларга сийдиридан ўргатмоқда. Айнақс аёлларнинг устин кийимини тинишда унинг маҳирлиги кўп наъбат.

СУРАТДА: Шонра Тўраев. Рустам Шарипов суради.

РАСУЛЖОН йўлда бораркан ҳозиргина бўлиб ўтган суҳбат сеҳрига ғарз эди. Маҳалла аҳлининг Шароф Рашидовга хурмати, сўз билан таърифиди бўлмас бу қадар меҳри қай вақт улар кўнглида ниш урдиларини? Кимнинг қалбига меҳр уруғи тушган бўлса, билинги у бахтли инсон. Чунки меҳр кишини маънавий жиҳатдан улғайтиради, инсон сифатида янги-янги поғоналарга кўтарди. Меҳр кўнгли иши, қалб амри, бу бебаҳо хислат бозорларда сотилмайди, буйруқ ва кўрсатмалар воситасида тарқатилмайди, фармони олий йўли ила берилмайди. Меҳр худди табиатнинг ўзидек — бирор кимсаннинг хоҳиш-иродаси туйғайли юзага келмайди.

Хизматга отланаётган эди ўғли Зафаржон «Ада, сизни йўқлашми?» деб қолди. Чинқиб қараса, остона олдида маҳалла оқсоқоллари кўмитасининг аъзоларидан Ражаб ота Ермуҳамедов, Усмон ота Мавлонқулов, хотин-қизлар кўмитасининг раисаси Ҳалима ая Бозорбоева ҳамда ёшлар етакчиси Усмонжон Мансуровлар туришибди.

Расулжон ўғлим, — деб гап бошлади Ражаб ота салом-алиқдан кейин, — биз бир хайрли иш юзасидан маслаҳат келдик. Бироз нозик томони ҳам бор, шу сабабли аввал бир тўхтама келайлик, сўнг шунга қараб қадам ташласан деган ниятдамын.

Гап бундай экан: яхши ният билан оқсоқоллар зарур нарсаларнинг ҳаммасини топиб беришибди. Ҳалима ая эса бош бўлиб махсус чопон, қийнча ва дўппи тайёрлатибди. Улар Шароф Рашидовни ёшга тўлган кунда бир-галликда бориб, ўзбекча удум билан табриқлаб келишни ният қилишган экан.

— Мана шу масалада келдик, ўғлим, — ёш бўлсангиз ҳам, худого шукр, маҳалламизга бошисиз. Бунинг устига яна ўша ерда — Шароф ака бошлиқ идорада ишлайсиз...

Расулжон бироз ўйланиб қолди. Ота-хонларнинг ўзлари таъкидлаганидек, хайрли иш бўлса ҳам унинг бироз нозик томони бор.

Шундай қилсак, — деди Расулжон, — мен ҳозир хизматга отланаётган эдим. Борай, бироз оқсоқолни топиб маслаҳатлашай, сўнг келиб хабарини бераман. Маъқулми?

— Маъқул, маъқул, — дейишди оқсоқоллар.

Марназонмга қираётиб ишлар бошқармасининг масъул ходимига дуч келди. Биринчи бўлиб унга воқеани гапириб бергач, маслаҳат сўради.

Бутун эшиқлар ланг очиб, ҳеч қимдан махсус рухсатнома сўралмайди, — деди у. — Одамлар тинмай келиб-кечиб туришибди. Фақат Тошкентдан эмас, балки вилоятлардан ҳам келишяпти у кишини кутлагани. Фақат битта шарт бор: у ниҳоятда қатъий — бирорта киши ҳам совра-салом кўтариб кирмаслиги керак. Биз шундай топшириқ олганми. Бутунги вазифамиз экин оғалик қилиш, кишиларни кўтиб олиш ва кузатиш ва асосийн ўша нозик топшириқнинг бажарилишини таъминлаш.

Расулжон ука, кўнглингизга келмасин, бу илтимосингизни адо этмоқчи, жилда курса ёрдам бермоқча оқимиз. Кўрсатма-илтимос ниҳоятда қатъий бўлган. Сизнинг кўнглингиз учун қайта жузурларига кириб, шу масалада оғиз хўфласан, бирдан «Сизга нима деб тайинланган эди», деб қолсалар қай ақвола тушишимни бир тасаввур этинг. Уэр ука, минг бор уэр.

Расулжон тўғри олтинчи қаватга — қабулхонага кўтарилди. У ерда котиба Нина Петровнадан ташқари ҳақ ёзувчиси Назир Сафаров, Марназонм ходимларидан Бонс Эргашев ва Қозоқов Солиевлар ҳам бор экан. Расулжон бу ерда киришдан мақсадини ёғини билан тушунтирди. Ҳамма ўйланиб қолди. Афтидан берилган ўша қатъий кўрсатмадан булар ҳам хабардор эди.

Бундай савоб ишдан бўйин товлаш гуноҳ қилган билан баробар, — деди Назир ака ташаббусни қўлга олиб, — Ахир улар ҳақ вақили-ку, бирортасининг ҳам ҳеч қандай амали йўқ, буюр-барин, бирор таъмага ҳам ўрин йўқ. Қани, Расулжон, кирди оқсоқолнинг олдида, ўзларидан ижоват сўрайми.

Шароф Рашидов уларни хушхулдиқ билан кўтиб олди, табриқ сўзлари, айтилган яхши ниятлар учун миннатдорчилик билдирди. Гап орасида Расулжон кўзларини жовдиратиб Назир акага маъноли қараб қўйар, бу билан тўе «Ҳалиги масала хаёлдан кўтарилмасин», деб эслатаётгандек эди.

— Хабаарингиз борми-йўқми, Шарофжон, Расул Раҳмонов узок йиллардан бери Эски шаҳарда «Октябрь» 40 йил-

лиги» маҳалласида раис, — деб гапни узоқдан бошлади Назир ака. — Хизматидами, хислатидами, билмадим, аҳоли унга илҳос қўйган. Бу илҳоснинг нишон сифатида, андек вақтингизни олсам ҳам бир воқеани айтиб берай.

Биласиз, маҳаллада ўзбеклар қатори дўнлар ҳам йашайди. Никита Крушчев ишдан олинган кезлар эди. Расулжон ўша пайтда ҳам Марназонмда ишларди. Топшириқ билан Туркманистонда экан. Пленум қарорини, Хрушчев вазифасидан овоз қилинганини тушутириш учун бошқа корхона, идора, маҳаллалар қатори бу маҳаллага ҳам тарғиботчилар борибди. Вақиллар аҳолини тўллаб, Пленум қарорини гапиратган экан, бир одам шартга ўриндан туриб, уэр айтиб сўраб қолди: «Ўларни қўйинг. Расул Раҳмонов омоним. Ўз жойидами?» Тасдиқловчи жавобни олтигач, «Ака Абдураулов омон бўлса бўлган, бизнинг бошқаси билан ишимиз йўқ!» деб кўнгли таскин топиб, сўнг ўтирган экан...

ган гаплардан ҳаяжонда. Маҳалладагилар кўрсатилган хурматдан, саховатдан бошлари етгинчи омонда. Ахир ҳазилакам гапми — Шароф аканинг ўзлари оқсоқоллар учун махсус машина юборибдилар, яна қанақасидан денг — президентлар, қироллар, подшолар учун мўлжалланганини. Маҳалла фаоллари аввалига бироз довдираб қолди.

— Сира кутмагандик, сира, бизга бу қадар эътибор берилади деб. Тўшмизига ҳам кирмаган воқеа содир бўляпти.

Ўйлаб кетишганда ҳам кесалар бири олиб, бири қўйиб шу сўзларни тинмай такоррларди. Улар ҳолатини бир тасаввур қилинг, ҳали урчурув бўлмастан туриб, шунча ҳаяжон. Юраклар ўз қафасига синамас, энтикарди.

Бинога қираверишда масъул ходим ўзи олган илтимос-топшириқини садоқат билан бажариб турарди. Ҳамон одамлар кети узилмай келаятир. Эл отасини муборакбод этмоқни ҳар бир кимса ўзи учун бурч, деб тушунарди.

### Едномалар

## «ЭЛ ҚАБУЛ ҚИЛГАНИ—БАХТ КУЛИБ БОҚҚАНИ»

Шароф РАШИДОВ ҳақидаги хотиралардан



Ҳозир бўлганлар мириқиб қулишди. — Ҳали шунча гаплар бўлиб ўтган, денг, оқсоқол. — Шароф ака мамун ҳолда Расулжонга қаради. — Арбоб экансиз-ку, жуда яхши. Ёл сени қабул қилган — бахт қулиб боққан. Одамлар деб яшаган киши кам бўлмайди. Инсон учун энг олий муқофот — бу кишилар меҳри. Сизга, Расулжон ука, шунчалар оқибат кўрсатишганими, — дедим улар қалбига киргансиз, меҳрини қозонгансиз... Ҳа, дарвоқе, ўша иш билан бирга асрлар мобайнида бирга яшаб келаятган маҳаллий дўнлар ҳақида бирор асар яратиб керак деб ўйлайман. Рус адабиётинда атоқли ёзувчиларнинг қатор асарлари бор. Назир ака, сиз нима дейсиз?

— Шундай ният, масалан, менда туғилган. Бориб, улар билан учрашиб юрибман. Ҳозир айтиб берган воқеа ҳам эшитганларимдан бир шинги...

Бу ерга киришдан асли мақсадни ёғини билан айтиш мавриди етилганди. Назир ака яна ташаббусни ўз қўлига олди, маҳалла оқсоқолларининг ниятини тушутирди.

— Совра-саломсиз келинглар, десак бироз кўнглиларига тегиши мумкин Шарофжон, келинг, ўшаларни бир хушнуд этайлик.

— Улар неча киши? — сўради Шароф ака.

— Беш киши, — жавоб берди Расулжон.

— Бўлмаса гап бундай, «Волга» машинасига сиғишмайди. Айтинг, «Чайка» чақирилсин. Ваҳдон сабаб кесалар дуосини олиб қолайлик. Ҳаммаси гапимизда бу дунда бир-бирини.

— Зум ўтмай Расулжон айтираб турган тим қора «Чайка»да Ачабод қайдасан, деб елиб борарди. Ҳозиргина бўлиб ўт-

— Оқсоқолларни олиб келдингизми, Расулжон, — дейишди эшик оғалари, — жуда яхши бўлибди-да, қани марҳамат, қадамларингизга ҳасанот, Шароф Рашидович сизларни куталтилар.

Кўрсатилган илғифотлардан оқсоқолларнинг қўнгли тоғдек кўтарилган. «Табва, бу кўраётганларимиз ўнгимиздами ё тушимиздами», деб қўйишди.

Қабулхонада — Назир — Сафаров, Бонс Эргашев, Қозоқов Солиев ҳамда ўша пайтда Октябрь район партия комитетининг биринчи котиби бўлган Тўлаған Набиев ўтиришган экан. Оқсоқолларни кўришди уларга пешвоз чиқинди. Назир ака Ш. Рашидов хонаси эшигини очар экан:

— Қани, марҳамат, отахонлар, — деди.

Остонага биринчи бўлиб Ражаб ота яқинлашди, ўнг оёғини кўтариб босар экан. «Бисмиллоҳу раҳмомир раҳим», деди қиротани ўрнига қўйиб.

— Келинглар отахонлар, келинглар, — деди Шароф Рашидов уларга пешвоз юриб келаркан. У бағрини очиб, ҳар бир меҳмон билан худди эски надрдонлардек, нуқчоқлашиб қўришди. Сизларни урияттиб қўйибман-да, — деди у ўтириш учун жой кўрсатаркан.

Усмон ота фотиҳага қўл очди: «Омин, қадам етди — бало етмасин, умрингизга, ризқингизга яратганим ўзи баракат ато этсин, юртимиз бахтига, халқимиз бахтига соғ-омон бўлинг. Оллоҳу акбар!»

Оқсоқоллар тугунини ечиб, ундан тўн, дўппи ва қийнғи олишди.

— Қани Шарофжон иним, ният қилган эдинг. Худого шукр, ниятнингизга етказди. Ҳалима аяниз бош бўлиб шу кутлуг кунга алаб тикирганлар.

— Мени хизматда қўйинглалар-ку, мени деб азият чекибсизлар. Ният қилай

— сизлардек бўлиб юрай, сизлар ёшингизга етай, — Шароф ака ҳаяжондан ортиқ сўз айтмади. Бу оддий кишиларнинг, нуруий кесаларнинг кўрсатилган меҳри ёзувчи Рашидовга бошқача таъсир кўрсатган. У бу совгани алоҳида, асрайдди, эъзозлайди, чунки у халқ меҳрининг рамзидир.

Чопон ҳам, дўппи ҳам шундай ярашдики, худди қўйиб қўйгандек эди.

Шароф ака чой чақирди. Расулжон бу ерда ҳозир бўлганлар орасида ёш бўлгани учун чойнакка қўл чўзган эди. Рашидов уни тўхтатди.

— Бутун чой қўйиб биздан, сизлар меҳнинг ардонли меҳмонларимиз.

Чой устида ҳол-аҳвол сўрашишди. Ш. Рашидов дунда қилиб республикадаги аҳвол ҳақида гапириб бергач, «Энди қўлогим сизларда, қандай мулоҳаза бўлса, бемалол, тортинмай айтаверинглар», деди.

Оқсоқоллар бир-бирларига маъноли қараб олишди. Лекин оғиз жуфтлашга негадир ботинишмасди. Бунга пайқабган Шароф ака уларга далда берди:

— Сизлар артаю кеч одамлар орасида. Биз билмаган, эшитмаган талай воқеа-ҳодисалардан бохабарсиз. Қани, кишилар нима деишяпти, қандай мулоҳазалар айтиляпти, илтимос, тортинманглар.

Тошкентни қайта қуришда кўп иш қилинди, бу кундек аён. — Энди ташаббусни Маҳкам ота ўз қўлларига олдилар. — Илло, Шарофжон иним, асли тошкентлик ишайдиган жойлар қандай бўлса, шундайлиқча турибди. Чорсу — қадимий шаҳар киндиги. Нима бўлади унинг тақдирини келгусида. Шу ҳақда узун-қисқа гаплар бор. Шунингиздан эшитмас деган ниятдамын.

Кўнглимдан гапни айтишнинг, оқсоқол, — Шароф ака бироз хаёл сурган, — дона-дона қилиб гапирар кетди. — Биз ўзимизни ҳали сиз айтгандек, асли тошкентликлар олдида қардор, деб билмиш. Бу қарз бўйимизда. Саломатликни берса кўнглимизда туриб қўйган ниятларимиз ҳам йўқ эмас. Ўша қадимий шаҳар киндиги бўлибди. Чорсу шундай қайта қуриладиган, у ерда меҳмонларимизнинг сайёҳларнинг илдими узилмайди, бўлиб қолади. Чорсу — минг йиллик тарихга эга бўлган ўзбекининг бамисоли кўзгуда ақс этгандек юзи бўлади. Ажойиб бозори бўлади. Ташқарида ҳар қил гўзал расталар жойлашади. Қўли гўл хунарандлар учун шарқона услубда дўкон-устахоналар барпо этилади.

Эски шаҳарни бутунлай бўзиб, қўп қаватли бинолар қурилишига йўл қўймайсиз. Шундай қилсан, келгуси авлод бизни кечирмайди. Тула газлаштириш, каналзация ўтказиш, ободонлаштириш ишларини амалга ошириб, эски Тошкент қиёфасини сақлаб қоламиз. Маҳаллалар — бу ўзбекининг юз-кўзи, унинг тарихи, урф-одати. Тарихий қўчалар, қадимий обидлар, дурустгина сақланган уй-жойлар қолшини керак. Ночор аҳволдан уйлар бузилиб, ўрнига бир-икки қаватли иморатлар қурилади. Хуллас, Эски шаҳар миллиатимизнинг кўзгуси бўлиб, янгидан чирой очади. Кўна шунча, отахонлар.

Сўзбат асосида қабулхона котибиси бир-икки бор кириб, Шароф ака қўлигига нималардир айтиб кетди. Чамаси эшберта — муборакбодга келганлар кўтиб қолдишди. Ортиқ ушлариб қолш иносодий эмаслигини отахонлар тушунишди. Ражаб ота ҳаммаинг номидан қабул учун, кўрсатилган иззат-ниром учун миннатдорчилик билдирди, дуога қўл очди. Отахон шундай сўзларни тоқинди, шу қалар чертиб-чертиб гапирдики, йиғилганларнинг бадаллари жимирлаб кетди. Хушнуд хайр-хўшлашди.

Меҳр. Бу ноёб тугуй қанчалар мўъжиза кучига эга, кишини арши аълога олиб чиқади, унга қанчалар куч-қувват бағишлайди, ҳаёт юз чандон, минг чандон чирой очади, унинг жозиба кучи, оҳанграбоси ортади. Кишилар ўртасида меҳр бор экан уйга ҳам, рўзғорига ҳам баракат киривадди, ишлар унгида келаярди, меҳнатда унум бўларедилар. Бор бўлсин инсонлар ўртасидаги оқибат. Меҳр урунлар қўйверсини, туп қўйиб, палак ёзверсин...

Орадан қанча йиллар ўтиб кетди. Ўша биз ҳозиргина сизга ҳикоя қилган учрашув қатнашчиларидан бир қанчаси раҳматли бўлиб кетишди. Эндиликда Шароф Рашидов ҳам орамизда йўқ. Лекин улар улашган меҳр ҳамон кишилар қалбига илқиниб бахш этмоқда. Сағбон кўчаси етаганида Ачабоддагилар эса ўша воқеани ҳамон сизга заъф билан, ҳаяжон билан эйтишиб-эйтишиб сўзлаб берадилар.

Исмомил СУЛАЙМОНОВ.

© СУРАТДА: Шароф Рашидов отахонлар билан.

### Моварауннаҳрнинг қадимий шаҳарлари

## ЖАРКЕНТ МЎЪЖИЗАСИ

АВБАЛЛАРИ каттагина кўркам қишлоқ сифатида машҳур бўлган Жаркент 1882 йилда шаҳар мақомини олди. Бу пайтда Русиянинг жануби-ғарбий чегаралари аниқланган, олис уезднинг маркази қилиб шу қишлоқ белгиланган эди. Гавжум савдо йўлининг марказида жойлашганилиги учун ҳам шаҳар иқтисодий, ижтимоий томондан тез ривожлана бошлади. Савдогарлар, ишбилармонлар аҳолини раҳм-шафқат нималигини билмай эътибори натижасида хунармандлар расталари, тамачи фабрикаси, пиво заводи, устаконлар очилди.

1887 йилда мусулмон жамоаларининг йиғилишида шаҳар аҳолисидан тўпланган маблағга масжид қуриш ҳақида қарор қилинди. Бино қурилушига биринчи гильдия савдогар Валиоҳун Йўлдошев раҳбарлик қила бошлади.

Шуниси қизиқки, масжид ҳеч қандай лойҳасиз, чизмаларсиз қурила бошланди. Устабози ўз ишини пухта билгани, буюртма берган аҳоли билан бамаслаҳат қурилиш олиб бургани туйғайли шундай бўлгандир балки, Қурилишдаги асосий материал ёғоч бўлган. Тянь-Шань қарағайи Жаркентга Оқсу ва Кетмон тоғларидан ташиб келтирилган эди. Қурилиш олиб борилаётган ерин узок шиббалардйлар. Ёғоч синчирлар 1892 йилда асосан тиклаб бўлинган эди. Қурувчилар Урта Осиё ва Қозғистон аънавий меъморчилик санъатидан қираверишдаги пештоқ, ёғоч, гўлдасмасмон минора-

ларни тиклашда фойдаланишди. Худди шундай ганкорлик гўмбазларни тиклашда ҳам усталар янгиликлар киритишган. Ташқаридан қараганда масжид худди гўлдасмага ўхшаши ҳам шундан бўлса керак. Унинг қиррали пешчиқлари, қаринзлари шарқнинг ажиб меъморчилигидан далолат бериб турибди.

Масжид асосини 122 ёғоч устулар ташкил қилади. Улар ўзаро тўсинлар орқали бири-лаштирилгандир. Арklarнинг тепасини, қаринзларни бекиёс маҳорат билан бажарилган ёғоч ўймакорлик, нақшошлик ишлари беэаган. Унга қараган киши шунчалар улугвор бинонинг энгиллиги, ёқимлигини сезмай юзми йўқ.

Устулар дағал мого билан яхшилаб қирмалган ва лакланган. Шу туйғайли ёғоч устулар заха ёмай ханузгача сақланиб турибди. Ранглар, гуллар, ташқи қиёфа эса усталарнинг нақша бўлган муҳаббатини маъсулдир.

Ҳайнт ва байрам кунлари масжид дарвозалари ланг очилган, бу ерга машаққатлар келишган. Дарвозалар устидаги девордек қалин гиштин устиликларда ногоралар тараклаган.

Бугун Жаркент бағрида худди машаққат билан ажралиб турган масжид 1910 йилдаги кучли зилзилада зарар кўрди. Шаҳардаги бинолар дегарли кун-паякун бўлди. Масжиднинг пештоқидан икки миңорача ҳам қулаб тушди. Гўмбазларнинг юқори қисми кўчиб кетди. Масжидга асосий дарвозадан кириш ман этилди.

Жаркент шаҳрида яшайтган уйғур, қозоқ, дунган халқларининг қадим ҳудуддан ҳикоя қилувчи мингга яқин ашёлар ўрин олган.

Жаркент шаҳрининг ўртасида қўш нуралида бўёқлари товланиб инсон кўли билан тиланган мўъжиза қад ростлаб турибди. Аслида Жаркентнинг шаҳар сифатида яшаб келишида унинг ўрни каттадир.

Тўғри САДУЛЛАЕВ тайёрлаган.

СУРАТДА: Жаркент масжидининг умумий кўриниши.



Телефон дастаги кўтарилди. Баҳодир Жалоловнинг бошиқ овози эшитилди...

Мен Баҳодирни шошиштирдим. «Яна битта-яримта кириб, сўхбатнинг белгита тегади...

Сиз кутган учрашуво «ЎЗБЕК САНЪАТИ БЕБАҲО!..»

Яқинда Туркияга бориб келдингиз... Сафар таассуротларингиз билан ўртоқлашсангиз. Энди Туркияда кўрганларимни тасвирлаб беролмайман...

Хозир шу иш билан бандимиз? Ҳўй, Хозир Ўзбекистон Рассомлар уюшмасининг 14-курултойининг ташкилий ишлари билан бандиман...

ИСТИҚБОЛ ЁРУҒ БЎЛАДИ

Бернора ҚОРИЕВА, Ўзбекистон театр арбоблари уюшмаси раисаси



Мен балет рақосасиман. Саҳнада ўттиз беш йил маржон-маржон тер тўкиб ишлаган бўлсам ҳам...

Қаршидаги «Мулоқот» театр студиясининг «Ҳамзанинг номаълум томошалари» комедияси ва фоноларидан...

Назм чечаклари НАСИҲАТ Темирланг Шохруҳин йўлларинан жангта, йўл-йўқ беради, қилар насиҳат...

Темур УВАДУЛЛО, Қабл бордим аммо ватан изладим, Узининг шох деймай бир тан изладим...

А. НАВОИЙ НОМИДАГИ ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА



Ватан тополмадим, кафан изладим, Сени кимларга мен, ташлаб кетдим-ов. Қўз тутган мановилан йироқда-йироқ...



ДАМ ОЛИШ ШУҲРАТГИНА

АЗИЗ ўқувчим, бу ҳикояни ёзиш мен учун қанчалик оғир эканигини билсангиз эди... Қалам юрмайди, қўл қалтирайд...

ОМОНЛИК БОШЛАР омон бўлсин деб, Дўппи тикади қизлар, Шаҳро-шаҳло кўзлардан, Мехро тўқиди қизлар...

